

## ҚУШЛАР ОЛАМИГА САЙЁҲАТ

*"Термиз" давлат музей – қўриқхонаси*  
*7Табиат бўлими етакчи мутахассиси*

**Эшбабаева Хамида Собировна**

**Аннотация:** Ушбу мақолада йиртқич қушларнинг яшаш шароити, улар ҳақида маълумот ва қаерларда учраши ҳақида ҳамда қушлар, уларнинг турлари, табиатдаги аҳамияти, юртимиз ҳудудидаги кўчиб юрувчи ва учиб кетувчи қушлар ва уларни муҳофаза қилиш мавзусига бағишланган. Шунингдек, мақолада айрим қушлар ҳақида қисқача маълумот берилади. маълумот берилган

**Калит сўзлар:** Йиртқич қушлар, Нектарчи қушлар, кўчиб юрувчи қушлар, учиб кетувчи қушлар, чумчуқсимонлар туркуми, мугуз пластинкалари, "Қизил китоб".

Бутун дунё аҳолиси 1 апрель кунини Халқаро қушлар кунини сифатида нишонлайди. Қушларнинг табиат ва инсон ҳаётидаги аҳамияти хилма-хил бўлиб, ўсимликларни чанглантириш, уларнинг уруғини тарқатиш, зараркунанда ҳашаротлар ва кемирувчиларни камайтириш кабилардан иборат. Қушларнинг ўзи ҳам кўпчилик ҳайвонлар учун озиқ бўлади. Улар мева уруғлари билан озиқланиб, ўсимликларнинг тарқалишига ёрдам беради. Нектарчи қушлар эса гулларни чанглантиради. Каклик, қирғовул, ўрдак, ғоз, бедана, каптар ва бошқа қушлар гўшти учун саноат миқёсида ёки спорт усулида овланади. Денгиз ўрдаги-гаганинг уясига тўшайдиган пари енгил саноатда фойдаланиш учун йиғиб олинади. Қушлар ахлати эса азот ва фосфорли моддаларга бой ўғит ҳисобланади. Қушларнинг табиатдаги эстетик аҳамияти ҳам айниқса катта. Уларнинг сайраши боғ ва ҳиёбонларга кўрк бағишлайди, инсонларда завқланиш ҳиссини уйғотади.

Қушлар-ҳаво муҳитига мослашган иссиққонли жонивор ҳисобланади. Танаси пат билан қопланган, суюқлари енгил, найсимон суюқнинг бўшлиғига ҳаво тўлган, жағлари мугуз тумшукқа, олдинги оёқлари қанотга айланган. Улар танасининг ҳарорати ташқи муҳит ҳароратига боғлиқ бўлмайди. Нафас олишда ўпка билан бирга ҳаво халтачалари ҳам иштирок этади. Юраги тўрт камерали, иссиққонли жонивор, тухум қўйиб кўпаяди.

Ер юзида қушларнинг 10 мингга яқин тури бор. Ўзбекистон фаунасида эса қушларнинг 19 туркумига оид 460 тури маълум. Улар турли оилаларга мансуб бўлиб, кўриниши, ҳажми, ҳаракатлари билан ажралиб туради. Қушлар яшаш жойига биноан бир неча экологик гуруҳлар: ўрмон қушлари, сув ҳавзалари қушлари, ботқоқ ва соҳил қушларига бўлинади.

Ҳаёт тарзининг йил фаслларига қараб ўзгаришига биноан қушлар ўтроқ, кўчиб юрувчи ва учиб кетувчи гуруҳларга бўлинади. Ўтроқ қушлар йил давомида бир

жойда яшайди. Бунга мисол қилиб читтак, мусича, кўк каптар, каклик, сўфитўрғай, қирлоғовул, чумчуқ, майна ва бошқаларни келтириш мумкин. Йил фассларига қараб жойини ўзгартириб турадиган қушлар кўчиб юрувчи қушлар дейилади. Учиб кетувчи қушлар эса кузда бирмунча совуқ ёки тўхтадил иқлими жойлардан иссиқ мамлакатларга учиб кетади ва ўша жойларда қишлайди. Учишдан олдин улар бир жойга тўпланиб, гала ҳосил қилади. Қушлар ҳар хил пайтда учиб кетади. Масалан, қалдирғоч, булбул, зарғалдоқ ва лайлаклар анча барвақт, яъни ёз охирларида ёки эрта кузда, ҳали уя қурган жойда ҳаво иқлими ва озиқ мўл бўлишига қарамасдан учиб кетади. Ўрдак, ғоз ва оққуш кеч кузда, яшаш жойидаги сув ҳавзалари музлаб, озиқ тополмай қолганидан сўнг учиб кета бошлайди. Шуниси эътиборга лойиқки, қушлар қишлов жойига доимо бир хил йўлдан учиб боради. Қушларнинг учиб кетиши яшаш жойидаги иқлимнинг мавсумий ўзгаришга мослашганидан иборат. Шимолий ва ўрта минтақаларда яшайдиган қушлар йилнинг энг қулай иссиқ даврида уя қуриб, жўжа очади ва уни боқиб, вояга етказилади. Йилнинг ноқулай, озуқа кам бўладиган қиш масумини бошланишидан олдинроқ қишлов жойларига учиб кетади. Олимларнинг аниқлашича, қушларнинг баҳорда ўз ватанларига учиб келиши ва кўпайиши уларнинг инстинкти билан боғлиқ. Кузда кунларнинг қисқариши қушларнинг қишлов жойига учиб кетиши учун сигнал бўлади. Қишлов жойига учиб кетаётган қушларнинг йўл топишида қуёшга қараб мўлжал олиш қисман аҳамиятга эга. Чунки, кўпчилик қушлар кундузи озиқланиб, кечаси учади. Тажрибаларда уларнинг юлдузларга қараб йўл топиши аниқланган. Айрим қушлар ер магнит майдонининг ўзгаришини қабул қилиши ҳам мумкин. Қишлов жойи, учиб кетиш йўли, тарқалиши ва умр кўришини аниқлаш мақсадида қушлар ҳалқаланди. Бунинг учун қушнинг оёғига ҳалқалаш марказининг манзили ёзилган энгил ҳалқа кийдириб, учираб юборилади.

Ҳалқаланган қушни тутиб олган киши ҳалқани ечиб олиб, уни хат орқали кўрсатилган манзилга юбориши керак. Ҳалқалаш орқали Ўрта Осиё лайлакларининг Шимолий Ҳиндистонда, Европа лайлакларининг Жанубий-Шарқий Африкада, булбулларнинг тропик Африкада, қалдирғочларнинг Африка ва Ҳиндистонда қишлаши аниқланган.

Барчамизга маълум бўлган қалдирғочлар чумчуқсимонлар туркумига киради ва юртимизга баҳорда учиб келиб, ёзнинг охири ёки кузнинг бошида учиб кетадиган қушлардан саналади.

Қалдирғоч танасининг орқаси кўкимтир-қора, қорин томони оқ, пешана ва бўйни қизғиш-қўнғир, қанотлари ингичка ва узун. Думи ҳам узун бўлиб, иккига ажралган бўлади. Унинг оёқлари калта ва кучсиз ривожланган. Ясси ва қисқа тумшуги жуда кенг очилади. Қалдирғоч тумшуги ёрдамида ҳавода учаётган ҳашаротларни тутди. Қалдирғоч айвон пештоқи ёки шифт остидаги тўсинларга, баъзан деворга ҳам сўлаги билан аралаштирилган уя қуради. Уяга 4-6 та тухум қўйиб, урғочиси босади. Болаларини ҳашаротлар билан озиқлантиради. Қалдирғочлар деярли

бутун кунни ҳавода ўтказди. Ўлжасини ҳам ҳавода тутди. Учиб кетаётган қалдирғоч сув юзасига тегиб ўтиб, чўмилади ва сув ичади. Зарғалдоқ чумчуқсимонлар туркумининг зарғалдоқсимонлар оиласига киради. Ўзбекистон ҳудудига баҳорда учиб келади ва уя қуради. Зарғалдоқ тўқайларда, тоғ этакларида, умуман, дарахт бўлган барча жойларда яшайди. Уясини баланд дарахтларга қуради. 3-4 дона тухум қўяди. Зарғалдоқ асосан хашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади. Қишлоқ хўжалигига фойда келтиради. Мева пишиғида қисман мевалар билан ҳам озиқланиб, боғларга бир оз зиён келтиради.

Ўзбекистонда қишлайдиган яна бир қуш Қораялоқдир. Қораялоқ-чумчуқсимонлар туркумининг бир уруғи. 62 та тури маълум. Европа, Осимё ва Америкада тарқалган. Танасининг узунлиги 20-25 см. Ерла сакраб ҳаракатланади. Уясини якка ёки колония бўлиб, дарахт, бута, баъзан ерга, кўпинча лой, ўсимлик барги, новдасидан ясайди. Йилда бир-икки марта 3-7 тдан тухум қўяди. Хашаротлар, ўргимчаклар, молюска, мевалар билан озиқланади. Ўзбекистонда қораялоқ, бўз қораялоқ деган турлари бор. Қораялоқ ва унинг кенжа тури Туркистон қораялоғи ўтроқ яшайди.

Мой қурти чумчуқсимонлар туркумининг бир уруғи. Ҳаёти дарахт ва буталар билан боғлиқ. Тоғ, саҳро, дарё бўйларидаги бутазорларда яшайди. Осимё, Африка, Европада тарқалган. Ўзбекистонда мой қурти, бўз моқурти, Қозоғистонда мой қурти деган турлари тарқалган. Мой қуртлар кузда қишлаш учун Африка, Арабистон, Хиндистон томонларга учиб кетади. Баҳорда яна қайтиб келади. Уясини кўпинча ўсимликлар устига қуради. Йилда икки марта 5-6 тдан тухум қўяди. Болаларини эркак ва урғочиси биргаликда парвариш қилади. Мойқуртлар фойдали қушдир. Улар ҳар хашаротлар ва улранинг личинкаси билан озиқланди. Улар яхши сайрагани учун одамлар қафасда ҳам сақлайди. Лекин қафасга улар тезда кўникмайдилар.

Булбул чумчуқсимонлар туркумига мансуб бўлиб, тўқайзорлар, бутазор, боғ ва қишлоқлар, кенг баргли дарахтлари бўлган тоғларда учрайди. Қанотларининг узунлиги 78-95 мм. Қишлаш учун Жанубий Арабистонга учиб кетади. Май-июн ойларида 4-5 дона тухум қўяди. Тухумни урғочиси 13-14 кун босади. Боласи 15 кундаёқ уча бошлайди. Булбул хашаротлар ва уларнинг личинкалари билан озиқланади. Хозирги кунда уларнинг сони камайиб кетяпти ва жуда химояга мухтождир. Юртимизга қишлаш учун келадиган, чумчуқсимонларнинг энг йирик турларидан гўнғарға зағча ва олақарға ҳисобланади. Гўнғарға қишлаш учун шимолий ҳудудлардан ўлкамизга учиб келади. Март ойларида эса учиб кетади. Қиш кезлари гўнғарғалар зағчалар билан бирга катта гала ҳосил қилади. Бундай гала баланд дарахтларнинг шоҳида тунайдди.

Ҳозсимонлар туркумига кирувчи ёввойи ўрдак ва ғозлар ҳам кўчиб юривчи қушлардан ҳисобланади. Улар тумшуғининг қирраси бўйлаб ҳар хил шаклдаги мугуз пластинкалар жойлашган. Тумшуғининг учи эса кенгайган. Ҳозсимонларнинг

тухумдан чиққан жужалари урғочисининг орқасидан эргашиб юради. Ўрдаклар сув тубидаги балчиқни тумшуғи билан мугуз пластинкалари орқали, ундан майда жониворлар ва ўсимликларни ажратиб олади. Ўрта Осиё сув ҳавзаларида ёввойи ўрдак, чуррак, суқсун учрайди. Ёввойи ўрдак эркагининг боши тўқ яшил, бўйни оқ, урғочисининг тумшуғи қизғиш, думи оқиш бўлади. Улар кузда қишлоқ жойларига кўчиб ўта бошлайди. Ўрдаклар Осиёнинг жануби, Шимолий

Африка, марказий америка, шунингдек, ўлкамиз жанубидаги сув ҳавзаларида қишлайди. Эрта баҳорда дарёлар бўйидаги қамишзорлар ва қалин ўтлар орасида уя қуради. Ёввойи ўрдак хонаки ўрдакнинг наслбошиси ҳисобланади.

Саъва-Ўзбекистонда саъвалар Чотқол тизмаси, Нурота, Туркистон, Зарафшон, Ҳисор тизмалари, Кўхитанг ва Боботоғда уя қуради. Уясини кенг баргли дарахтларнинг энг юқори шохига саватча шаклида қуради. 4-7 тагача тухум қўяди ва полапонларини ота-онаси бирга боқади. Саъвалар зарарли хашаротларни, айниқса шира (ўсимлик бити)ни қириб, қишлоқ хўжалигига фойда келтиради. Бу қушча тоғ олди жойларидаги боғларда, кенг баргли ўрмонларда яшайди. Катта шаҳарлар ва водийларда саъвалар октябрь ойининг охирида пайдо бўлади ва март охиригача шу жойда қолади. Саъвалар хашаротлар билан бирга ўсимлик уруғлари билан ҳам озикланади. Сайроқи қуш ишқибозлари саъваларни қафасда боқишади.

Юртимизда қиш кезлари қорабош саъвалар пайдо бўлади. Бу қуш Сибирда уя қуради, кўчиб ўтаётган пайтда Ўзбекистонга қўниб ўтади. Бу саъва бўзбош саъвага ўхшаса-да, лекин ранги анча очроқ. Энасиси ва боши тепасининг орқа қисми қора рангда. Номи ҳам шундан олинган. Бошининг олди оч қизил, қанотларида эса катта-катта сариқ ҳоллари бор.

Қарқара-Бу йирик қуш бўлиб, бўйи бир метрдан узунроқ, қанотлари эса ёзилганда 2 метрга етади, оғирлиги 2 килограммча келади. Унинг патлари момикдек, айрим турлари, айниқса, оқ қарқараники жуда чиройли. Уни мана шу чиройли патлари учун ҳар йили юз минглаб нобуд этишган. Шунинг учун оқ қарқаралар ҳозир ниҳоятда оз қолган. Ўрта Осиёда қарқараларнинг оқ қўтон, кўк қўтон, жийран ва бошқа турлари бор. Бу қушлар давлат томонидан муҳофазага олинган. Қул ранг қарқара оқига қараганда анча йирик, лекин унчалик чиройли бўлмайди. Уларни кўпинча ботқоқлик ва кўлларда учратиш мумкин. Республикамизда Сирдарё, Зарафшон, Амударё, Сурхондарё дарёларида бўйида февраль-март ойларидан октябргача учратиш мумкин. Қарқара овга чиққанида бўйинини ичига тортган ҳолда бир жойда қимир этмай тураверади ёки узун ингичка оёғини охиста кўтариб-тушириб, қирғоқда у ёқдан бу ёққа юраверади. Ботқоқликда ёки сувда ов қиладиган барча қушлар: лайлақлар, турна, қизилғозлар(фламинго)нинг оёғи мана шундай тузилган. Мана, қарқара балиқ ёки қурбақани кўриб қолса, у яшин тезлигида найзадек ўткир тумшуғи билан ўлжасини тутиб олади. Шу найза-тумшуғи билан у ўзини ҳимоя қиладди. Қарқаралар уясини баланд дарахт тепасига қуради. Уясининг қалинлиги 150,

эни 60 сантиметрга етади. Уни шох-шабба ёки қамишдан қуради. Баҳорда 3-7 тагача кўкимтир рангли тухум қўяди.

Қарқара қуруқликда сичқон ва ҳашаротларни тутиб ейди. Тўда бўлиб, кўпинча энг йириклари бирга яшайди. Баъзан тўдадада фақат бир тури, айрим ҳолларда ҳар хил турлари бўлади.

Ғозлар-нисбатан йирикроқ, эркаги ва урғочиси бир хил рангда бўлади. Улар ўсимликлар билан озиқланади. Бақувват тумшуғи четларидаги ўткир мугуз пластинкалари ёрдамида ўсимликларни қирқиб олиб ейди. Ўзбекистонда хонаки ғозларнинг аждоди бўлган кулранг ғоз ин қуриб, бола очади. Бу қуш Амударё этакларида ва Зарафшон дарёсининг қуйи оқимларида учрайди. Европа, Шимолий Африка, Жанубий-Шарқий Осиё ва Ўрта Осиё сув ҳавзаларида қишлайди. Ғозлар гўшти учун овланади. Кўчиб юрадиган қушлардан яна бири лайлаклардир. Лайлак соҳил қуши ҳисобланади. Соҳил қушлари сув ҳавзаларининг саёзликлари, соҳил яқини ва ботқоқликларда озиқланади. Шунинг учун улар саёзликларда ва балчиқда яхши юрдаи. Тумшуқлари ёрдамида озиғини олади, лекин сувда сузолмайди. Лайлаклар анча йирик, оёқлари ва тумшуғи узун қушдир. Оқ лайлакнинг қанотлари кенг ва қора бўлади. Узун оёқлари уларга балчиқда бемалол ҳаракатланиш имконини беради. Оқ лайлак йирик дарахтларнинг шохларига ёки эски биноларнинг томига уя қуради. Бақалар, сичқонлар, турли ҳашаротлар ва калтакесаклар билан озиқланади. У жуда фойдали қуш бўлгани ва сони камайиб кетганлиги учун муҳофаза қилинади. Йиртқич қушлар орасида ҳам кўчиб юрадигани кўплаб учрайди. Шундай қушларда бири қора калхатдир. Қора калхат воҳалар, тўқайлар ва тоғларда, хуллас дарахтлар бўлган ҳамма жойда учратиш мумкин. Учиб бораётган калхатни айри думига қараб осонгина билиб олиш мумкин. Калхат Марказий Африка ва Жануби Осиёда қишлайди, март ойларида учиб келиб, дарахтларнинг шохига ин қуради.

Калхат жуда фойдали қуш бўлиб, кўпинча бақалар, кемирувчилар, ҳар хил ҳашаротлар, шунингдек, қушхоналарнинг ташландиқлари ва ўлаксалар билан озиқланади. У баланд ҳавода учиб, ўлжа ахтаради.

Қушларнинг кўчиб юриши, учиб ва қайтиб келиши уларнинг қишлоғи соғ-омон ўтказишлари, келгусидаги кўпайишлари учун зарур омил ҳисобланади. Қушлар қаерда қишласалар ҳам уларни ҳимоя қилиш керак. Қушларни муҳофаза қилиш уларни безовта қилмаслик ва уясини бузмасликдан иборат. Ташқи муҳитнинг ўзгариши, сув, ҳавонинг ифлосланиши, дарахтзорлар, ўрмонларнинг йўқ қилиниши маълум бир ҳайвон, ўсимлик, қуш турларининг йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида ҳар бир мамлакатда “Қизил китоб”лар тузилган. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган қушлар орасида кўчиб юрувчилари ҳам кўп. Қор кўп ёққан кунлари майда қушлар учун дарахт шохлари орасига донхўрақлар ўрнатилиб, дон-дунлар сепиб қўйилса, уларнинг қишдан талафотсиз чиқиб олишларига сабаб бўлади.

Улар йиртқич қушлар (Falconiformes) – қушлар синфининг түркүми. Бошқа қушлардан йиртқич қушлар ажралиб туради. Улар кучли ва қайрилган тумшуғи, катта кўзлари, кучли оёқ ва тирноқлари билан фарқланади. Табиатнинг ажойиб жониворлар, барча халқларда улар куч, довюраклик ва гўзаллик рамзи. Табиий шароитда йиртқич қушлар ўлжа бўлган ҳайвонларни бутунлай қириб ташлай олмайди. Бунга жуда кўп мисоллар бор. XX-асрнинг биринчи ярмида йиртқич қушларнинг сони кўп бўлишига қарамай Орол денгизида жуда кўп сувда сузувчи қушлар турлари яшаган, Тён-Шон ва Памир-Олой тоғларида суғурлар минглаб тоғ ёнбағриларда яшаган, тоғ ғозлари ва анғиртлар кўлларда уялаган. Танаси йирик ёки ўртача катталиқда, энг майда вакили – карлик лочин қанотининг учунлиги 9-10 см, энг йирик Америка тасқарасининг қаноти 115 см, ёйилганида 2.5-3 м, вазни 8-12 кг. Тумшуғи кучли ривожланган, учки қисми илмоққа ўхшаш эгилган бўлиб, ўлжаси терисини йиртиш ва этини узиб олишга мослашган. Оёқлари ўртача узунлиқда, панжалари кучли ривожланган, тирноқлари ўткир, илмоқсимон эгилган. Тирноқлари ёрдамида чанг солиб ўлжасини ўлдиради ва уни ушлаб туради. Йиртқич қушларнинг тумшуғи асосидаги териси патсиз, очиқ рангли бўлиб, танасининг бошқа қисмидан ажралиб туради. Патлари тиғиз бўлиши, кўзлари бошининг икки ёнида жойлашганлиги билан япалоқ қушлардан фарқ қилади. Жиғилдони жуда кенг, тана вазнининг деярли ярмига тенг келадиган озиқни сиғдиради. Кўпчилик турлари моногам. Тухумдан чиққан жўжасининг кўзи очиқ, танаси пат билан қопланган бўлса ҳам уяда узоқ вақт яшайди. Кўпчилик йиртқич қушларнинг нари ва модаси бир хил рангда, кўпинча нари модасига нисбатан кичикроқ ёки бир хил катталиқда (Америка кондорининг нари йирикроқ) бўлади. Одатда тухумдан бири

ривожланмай қолади. Жўжалар бирин-кетин чиқмайди. Энг кичиги катталардан ривожланмай қолиб кетади ва кўпинча яшаб кетолмайди. Индан учиб кетиб, ёш қушлар ўзига озиқа тополмайдилар, бир қисми нобуд бўлади. Йирик йиртқич қушлар жинсий вояга 5-6 йилда етади. Шу сабабли йиртқич қушлар ҳеч қачон кўп сонда кўпаймайди. Кундузи хаёт кечиради. Ер юзида кенг тарқалган. Анча узоқ яшайди. Тутқунлиқда лочин 55, бургут 46, тасқара 69, қирғий 25 йил яшаган. Йилда бир марта, баъзан 2 марта кўпаяди. Дарахтлар шохи, қаваги, қоялар ва ерга уя қуради

ёки бошка қушлар уясини эгаллайди. Одатда, ўша жуфтнинг ўзи хар йили бир жойнинг ўзига уя қуриб, бола очади. Йирик йиртқич қушлар 1-2 та, майдалари 6-7 та, баъзан 9 тагача тухум босади. Тухумини биттадан бир неча кун давомида қўйганидан уядаги жужалари ҳам хар хил ёшда бўлади. Йирик йиртқич қушлар (Мас, бургут, болтаютар) 2 ой, майдлари 1 ойга яқин тухум босади. Майда ва ўртача катталиқдаги қушларнинг жўжаси 1 ойдан, йирик қушларники 3, хатто 4 ойдан сўнг учирма бўлади. Йиртқич қушлар хар хил ҳайвонлар, асосан, сўт эмизувчилар, қушлар ва хашаротлар, баъзан баъзан ҳайвонлар ўлимтиги билан озиқланади. Тропик минтақаларда ( Африка) яшовчи айрим Йиртқич қушлар мевалар билан

озикланади. Ўлжасини хаводан туриб излайди; шунинг учун кўзлари, учиш қобилияти яхши ривожланган. Шуниси таажўбки, йиртқичлар ўз ўлжаларининг саломатлиги ва популяцининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Йиртқич ҳайвон кам ҳаракатчан ҳайвон ёки қушни пойлади. Шунинг учун йиртқичнинг ўлжаси биринчи бўлиб яхши ривожланмаган, касалвон, ўзини химоя қилолмайдиган ёшларга, қариб қолган жониворларга ҳамла қилади. Саломат, кучга тўла ҳайвонлар қочиб қутуладилар. Табиатда йиртқичлар бўлмаганда, замонавий ҳайвонлар қандай кўринишда бўларди? Балки улар кам ҳаракатчан, кўриш ва эшитиш қобилияти паст бўлан, турли касалларга дучор бўларди йилда бир марта узоқ вақт тўлиқ тўллайди. Йиртқич қушлар кишиларнинг хўжалик фаолиятида муҳим ижобий аҳамиятга эга. Қўпчилик турлари қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари, кемирувчилар, ҳашаротларни қириб фойда келтиради. Бошқалари эса кучсиз ва касалланган ҳайвонлар билан озиқланиши туфайли табиатда доим содир бўлиб турадиган табиий

танланиш асосий омили хисобланади. Бугун йиртқич қушлар, айниқса Ўрта Осиёда тарқалган ўлкан фойда келтириши исботланди. Ўзбекистон ҳудудида йиртқич қушларнинг 41 тури мавжуд, Улардан 19 таси Ўзбекистон Қизил Китобига киритилган. Нурота тоғ тизмасида, Айдар-Арнасой кўллари тизими ва Қизилқумнинг жануби-шарқий қисмида йиртқичқушларнинг 32 тури, 17 таси ин қуради ва 15 таси учиб ўтади ва қишлайди. Йиртқич қушларнинг сони камайиб бораётганлиги сабабли кўпчилик мамлакатларда муҳофаза қилинади. 290 та тури маълум. Йиртқич қушлар туркуми 5 та оилага бўлинади. Ўзбекистон ҳудудида лочинлар ва қарчиғайлар оиласига мансуб бўлган 40 тури учрайди. Қора қалхат - Қарчиғайлар оиласига мансуб ўртача катталиқдаги йиртқич қуш. Қарғадан йирикроқ, узун ва кенг қанотли ва узун думли. Қанотларини ёзгандаги кенглиги 160-180 см га етади. Ранги қўнғир, қари қушларнинг боши оч тусда бўлади. Думида ўйилма бор. Шу белги туфайли бу тур ҳудудимизнинг бошқа йиртқич қушлардан яхши фарқланади. Евросиё, Африка, Австралияда кенг тарқалган. Ўзбекистонда барча ҳудудларда учрайди, лекин кам сонли. Бизнинг туманда одатда учиб ўтади. 1960-йилларгача Нурота тоғларда уялаши одатий эди, ҳозир уялаш жойларида безовта қилиниши ва тоғ воҳаларининг ўзлаштирилиши натижасида жуда кам сонда ин қуради. Одатда сув ҳавзалари ёнида ўрмонлар атрофида, Ўрта Осиё тўқай ва қайир тоғли ўрмонларда ин қуради. Ўзлаштирилган ерларда, аҳоли яшайдиган жойлар атрофида ин қуриши кўзатилади. Инни дарахтда жойлаштиради. Бизнинг туманда март ойида учиб келади. Апрельда 2-4та тухум қўяди. 30 кун давомида тухумни фақат урғочи босади, эркаги эса ўлжани олиб келади. Полопонлари июн-июлда уя бошлайди. Кузги учиб ўтиш даври - сентябрь-октябрьда, баъзан Ўзбекистонда қишлайди. Қора қалхат озиқага бефарқ қарайди.

Турли ўлаксалар ва ташландиқлар, кемирувчилар, амфибиялар, калтакесаклар, ҳашаротлар, қушлар, уларнинг болалари ва тухуми билан озиқланади. Сувқийғир (ёки скопа) - Скопалар оиласига мансуб ўртача катталиқдаги йиртқич қуш.

Қанотларини ёзгандаги кенглиги 145-170 см га етади. Танасининг усти тўқ тусда, остки қисми деярли оқиш бўлади. Қанотларининг эгиладиган қисмидаги тўқ тусли доғ ва кўздан бошлаб бўйни орқали қорамтир йўл ўтганлиги яққол кўзга ташланади. Урғочилар эркагидан каттароқ, лекин рангида фарқи йўқ. Ўзгача қўриниши ва ранги билан ҳудудимизнинг бошқа йиртқич қушларидан фарқланади. Сувқийғир - қўчманчи тур, Ер кўррасида Антарктидадан ташқари кенг тарқалган. Ўзбекистонда сони доимо кам бўлган. Саноқли ва номунтазамдир Амударёнинг қўйи қисмида уялайди. Жуда камдан-кам қучиб ўтиши даврида деярли барча ҳудудларда учрайди. Ўзбекистон Қизил китобига киритилган. Сув режимининг ўзгариши оқибатида яшаш жойларининг емирилиши натижасида камайиб кетган. Электр узатиш тизмаларида кўпи нобуд бўлади. Асосан, балиқ тутиб ейди. Шунга кўра, уларни кўпинча сув ҳавзалари яқинида учратиш мумкин. Қирғоқларда баланд

дарахтларда, юқори вольтли электр узатиш симлари устунларида, геодезик тепаликларда, қояларда уя қуради. Сувнинг устида учиб ов қилади. Ўлжани излаб парвозда муаллақ қолиб, қанотларини силкитади. Сув ҳавзасида сузиб юрган балиқни кўриб, қанотларини йиғиб, сувга ўзини ташлайди, оёқларини олдинга чўзиб, 150-350 г айримларида 1кг гача бўлган балиқни тутиши мумкин. Баҳорги учиб ўтиши март-май ойларида, кузги учиб ўтиши август-октябрьда бўлади. Ботқоқлик бўктаргиси - Қарчиғайлар оиласига мансуб ўртача катталиқдаги, узун қанотли ва узун думли йиртқич қуш. Қанотларининг ёзганда кенглиги 110-140 см га етади. Эркаклари урғочидан ранги билан фарқланади. Эркагида бош, бўйин

танасининг усти ва қанотининг олди қисми жигар ранг ва кулранг бўлади, қанотининг учи қора. Қорни олов ранг ёки оқиш. Думи, қанотининг кўпнинг қисми ва деярли бутун қаноти орқаси оч кулранг. Урғочи жигар рангли, бошида оловранг ёки сарғишроқ «қалпоғи» бор. Ёшлари ранги билан урғочига ўхшайди. Ботқоқлик бўктаргиси қалин қамиш ва қўға билан қопланган ботқоқлик, кўл ва нам яйловларда яшайди. Евросиёда кенг тарқалган. Ўзбекистон текисликларининг барча ҳудудида учрайди, тоғларга ҳам учиб ўтади. Айдар-Арнасойда ин қуради, учиб ўтади ва қишлайди. Қамишзорларда инқуради. 2-бта тухум қўяди. Кичик ва ўртача қушлар (ўрдак катталигида), уларнинг жўжалари ва тухуми, қурбақа, ёш ондатралар,

юмронқозиқ, қўшоёқ, дала сичқонлари, калтакесаклар, йирик хашаротлар билан озиқланади. Айримларида ўлаксалар ва чалаўлик балиқларни ейди. Ўртача баландликларда ўлжани излаб парвоз қилади. Бизнинг туманда бошқа бўктаргиси турлари ҳам учрайди: Дала бўктаргиси (*Circus cyaneus*) ва дашт бўктаргиси (*Circus macrourus*) қушлар учиб ўтиш даврида кам сонда учрайди. Ўтлоқ бўктаргиси (*Circus pygargus*) қушлар учиб ўтиш даврида учрайди ва кам сонда уялайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси энциклопедияси. Тошкент, 1997 йил.
2. О.Мавлонов. "Биология". 2017 йил.
3. У.Обидов. "Мактаб ўлкашунослигидан услубий қўлланма". Фарғона, 2006 йил.